



Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН
ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

30 июн, №27 (3565)

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК – ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАЙДИГАН БИР ХАЛҚ

Президент Ислам Каримовнинг Тожикистон зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи



Президент Ислам Каримовнинг шу йил 15 июн кuni Тожикистон Республикасига расмий таширифи доирасида ушбу мамлакат зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида халқларимизни янада яқинлаштириш, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, буюк аجدодларимиздан мерос анъаналарни давом эттириш борасида илм ва ижод аҳлининг ўрни беқиёс экани таъкидланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари нутқида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг турли жиҳатлари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинди. Бу масалалар ҳар икки мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотаётганини инобатга олиб, мазкур нутқ матни чоп этилмоқда.

Хурматли Имомали Шарипович! Азиз тожик биродарлар! Дўстони бародарони тожик! Аввало, сизлар билан мана шу гўзал Тожикистон заминиди дийдор кўришиб турганимиздан беҳад хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сиз орқали бутун Тожикистон халқига хурмат-эҳтиромимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Аввало, ижозат фармоё, ки ман дар ҳамин замини зебои Тожикистон ба шумо, тавассути шумо ба тамоми халқи Тожикистон баҳраманди беҳад аз дийдори дўстони азиз хурмату эҳтироми худро изҳор қунам.

Азиз дўстлар! Одатда бирон бир мамлакат раҳбари бошқа давлатга ташириф буюрган чоғида унинг вақти ниҳоят даражада тизим бўлади. Унинг расмий тадбирлар режасида давлат раҳбарлари, расмий доиралар вакиллари, парламент аъзолари, ишбилармонлар билан бўладиган учрашувлар асосий ўрин тутди.

Шунинг учун ҳам бизнинг сиз — Тожикистон жамоатчилиги, илмий ва ижодий интеллигенция вакиллари, маданият намояндлари билан ўтказилаётган бугунги учрашувимизни маълум маънода менинг таърихдаги ўзига хос воқеа дейиш мумкин.

Тожикистон раҳбарияти, хусусан, Президент Имомали Раҳмонов ташаббуси билан мана шу учрашув ташкил этилган экан, бу авваломбор мамлакатингиз раҳбарининг сиз — жамоатчилик эл баобрў ва илгор вакиллари, халқнинг орзу-интилишлари ифодачиси бўлган илм ва ижод аҳлига кўрсатаётган юксак ҳурмат-эҳтиборидан далолатдир.

Иккинчидан, бу — халқнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий тиқлаш, маданий ҳаётни юксалтириш, бир сўз билан айтганда, бутун дунёда тан олинган ва хурматга сазовор бўладиган, замонавий, келажакка интилган Тожикистони барпо этишдек улғувор ишда сизларнинг беқиёс ўрнигиз борлигининг мамлакат раҳбарияти томонидан эътибор этилишидир.

Ўзбек ва тожик халқларининг тарихи муштарак эканини, унинг ибтидоида буюк аجدодларимиз туршиши барчамиз яхши биламиз. Ана шу буюк зотларнинг ақл-заковати, меҳнати билан яратилган тарихий илдизларимиз бу икки халқ тақдирининг узвий боғлиғи кетишига беқиёс омил бўлиб хизмат қилиб келган.

Айнан ана шу бобокалонларимизнинг ўлмас даҳоси, бизга қолдирган, фахру гуруримиз бўлган буюк мада-

ний ва фалсафий мероси бугунги авлодларни ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашига, ҳаётимизни гоёта теран маъназмун билан тўлдиришига, керак бўлса, бойитишига даъват этмоқда.

Айнан аңа шу мерос бизни дўстлик ва қардошлиқ ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, халқларимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини биргаликда барпо этишга ундамоқда.

Биз ижодкор зиёлилар вакиллари, халқларимизнинг юксак ақл-заковат соҳиблари ўзбеклар ва тожикларнинг маънавий қадриятларини янада бойитиш мақсадида бирга меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим. Дўстлик ва биродарлигимизнинг тимсоли бўлган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Садриддин Айний ва Абдулла Қодирӣ, Мирзо Турсунзода ва Фафур Гулом каби улғу мутафаккир зотларнинг бетакорор ижодини назарда тутадиган бўлсак, бу ишнинг халқларимиз маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти янада ортади.

Мен шунинг оқибатида керакки, агар биз шу ҳақиқатни тушунамсак, халқларимиз олдига хиёнат қилган бўламиз.

Бугунги кунда Тожикистонда ва унинг сарҳадлари ташқарисида ўз фаолияти, энг муҳими, одамларнинг қалби ва онига кўрсатаётган улкан ижобий таъсири билан ижтимоий фикр ривожига туртки берувчи, миллионлаб инсонларни бунёдкорлик меҳнатига рағбатлантирувчи асарлар яратадиган ўнлаб, юзлаб таниқли ёзувчилар, бастакорлар, мусаввирлар, санъат намояндлари, олимлар номини тилга олиш мумкин.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, биз — ўзбекистонликлар кўплаб тожикистонлик илмий ва ижодий интеллигенция вакиллари, санъат арбоблари номини жуда яхши биламиз ва хурмат қиламиз.

Улар орасида нафақат Тожикистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам шухрат қозонган Мўмин Қаноат, Лоик Шерали, Асқар Ҳаким, Гулрухсор Сафиева, Улмас Жамол, Гулназар Келди, Озода Аминзода каби шоирлар, Абдулхамид Самадов, Саттор Турсун, Кароматулло Мирзоев каби адиблар бор.

Ўзбекистонда, шунингдек, Дамир Дўстмухаммедов, Толиб Шохидий, Шарафуддин Сайфуддинов, Қудратулло Яҳёев, Талабшо Сатторов сингари истеъдодли тожик бастакорларини ҳам жуда яхши биладилар.

Бизнинг халқимиз Жўрабек Муродов, Саидкул Билолов, Жўрабек Набиев, Зафар Нозимов, Далер Назар-

ров ижро этган кўшиқларни жону дилдан севади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, кино ва театр санъатининг улкан намояндаси Ато Муҳаммаджоновнинг номи нафақат Тожикистонда, балки ўзбекистонда ҳам машҳурдир.

Тожик халқи Гурмин Завқибеков, Фаррух Қосимов, Барзу Абдуразоқов, Саидмурод Мардонов каби таниқли актёрлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Мен шу ўринда замонавий тожик санъатининг аксарият эркин намояндлари ўзбекистон Театр санъати институти ва Тошкент Давлат консерваториясида таълим олганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тожикистонлик Улмас Мирсаидов, Рауф Баратов, Собит Нейматуллаев каби академик олимлар, Аҳмаджон Муҳаммаджоёев, Фафур Ашуров, Расул Ходизода, Хуршида Отахонова, Саид Одинаев, Муҳиба Ёкубова, Низом Нуржон сингари истеъдодли ва заҳматкаш тадқиқотчиларнинг асарлари ўзбекистонда ҳам юксак баҳога сазовор бўлган.

Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, мана шундай кучли интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлат дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олишга ҳақлидир.

Мухтарам биродарлар!

Мен бугунги имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга бевосита дахлдор бўлган, ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз истиқболга доир айрим фикрларимизни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Аввало шунинг айтиш керакки, Тожикистоннинг яқин тарихида, яъни собиқ иттифок парламантидан кейинги 7-8 йил мобайнида тожик халқи нечоғлики оғир синовлар, азоб-уқубатларни бошдан кечирганини, очигини айтганда, жуда ҳам одам билади. Афсуски, Тожикистонда рўй берган воқеаларга доир маълумотлар фактларнинг қуруқ таъкидидан иборат бўлиб, дунё аҳлига бу ердаги ҳақиқий аҳвол ҳақида тўлиқ тасаввур беролмас эди.

Бугун Тожикистон шахар ва қишлоқларида қарор топаётган тинчлик ва барқарорлик, эртанги ҳаётга бўлган ишонч руҳининг нақадар беқиёс аҳамиятга эга эканини тушуниб етиш учун буларнинг барчасини кўриш, ҳис қилиш, юракдан ўтказиш зарур. Энг муҳими, халқ бошига қандай йўқотишлар, қуфлатлар тушганини теран аңлаш лозим.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳамкасбларимиз кунин кеча ўзларининг касб байрамларини нишонладилар. Матбуот сўзининг қадри, Ватан туйғуси ва она юрт олдидидаги бурч, Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига қўйётган талаблар, миллий ғоя ва мустақиллик мафкура-сини шакллантириш жараёнида журналистлар зиммасидаги масъулият залвори бутун моҳияти билан яна бир бор кўз олдимизда намойн бўлди. Бинобарин, матбуот сўзининг, ҳақ сўзнинг қудрати, давр олдимизга қўйётган муаммоларга ҳазиржавоблик ҳам унутилгани йўқ. Байрам ва шу муносабат билан Президентимиз йўллаган табрик бизни бу масалалар ҳақида тийрақлик билан мушоҳада юри-тишга даъват этди.

МАТБУОТНИНГ ЗАЛВОРЛИ СЎЗИ

Баъзан, журналист учун энг муҳим нарса янгилик топиш: бирор кема қўқаётган бўлса фотожурналист ёки оператор одамларни кўтаришга эмас, ўша қўқаётган кема-ни суратга олишга шошилади, деган гапларни эшитиб қоламиз. Балки бу гапда ҳам бироз ҳақиқат бордир. Чунки бугун жохон бозоридаги энг қиммат нарса — янги хабар, информация. Лекин дунёда барибир инсон дарди, ғам-ташвиши билан яшаётган журналистлар жуда кўпчиликини ташкил этади.

Рост сўзни бомбага ўхшатишди. Аслида эса у бомбадан минг баробар кучлироқ, 80-йилларнинг охириларини эсланг. Дунё юзидан социализм деган тузум сўпуриб ташланди. СССР деган катта бир давлат йўқ бўлиб кетди. Нега? Чунки у ёлгон устига қурилган эди. Фурсат келиши билан журналистлар рост сўзни айта бошладилар. Ва рост сўз ўз кучини кўрсатди. Энди ўйлаб кўринг. Бомбалар кучи билан бузиб бўлармиди СССРдек катта «кўрган»ни.

Журналист рост сўзни айтиш учун, одамларни энг сўнгги янгиликлардан хабардор қилиш учун, зарур бўлса, ўлимга ҳам тик боради. Бугун дунё нотинч. Ўнлаб юлгаларда уруш, жанглар кетяпти. Лекин у ерлардан келадиган хабарлар оқими бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Ҳў, бу хабарларни ким узатапти? Журналист. Бундай ўйлаб қарасангиз, муҳбирнинг тирикчилиги ўша ерга бормаса ҳам ўтади. Лекин у бундай қилолмайди. Чунки унинг касби шундай: дунёни дунёдан бохабар қилиш.

Бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда матбуот катта кучга — демократия ва эркин фикр майдонига айланиб бормоқда. Чунки мустақиллик йилларида унинг ҳуқуқий асослари яратилди, журналистнинг барча ҳуқуқ ва бурчлари кўнун билан ҳимояланди.

27 июн кунин пойтхатимизнинг Мирзо Улғубек номидаги сўлим боғида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин муносабати билан байрам тантаналари ва катта сайил бўлиб ўтди. Тантананда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов Юртнобимизнинг матбуот ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида журналистларнинг машаққатли меҳнатига юксак баҳо бериб, **оммавий ахборот воситалари жамоатчилигида кечайтган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улғувор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда**, дейди.

Маълумки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағма-расми томонидан ҳар йили «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ўтказилади. Байрам тадбирида мазкур танловнинг бу йилги ғолиблари — «Саодат» журналининг бош муҳаррири ўринбосари Қ. Раҳимбоева, Ўзбекистон телевидениесининг «Таҳлилнома» дастури бошловчиси Л. Мервинская ва «Халқ сўзи» газетасининг Қашқадар вилотида буйича муҳбири Н. Равшановага жағма-расмининг дипломилари топширилди.

Шунингдек, Халқ таълими, Мудофаа, Ички ишлар, Маданият ишлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, Давлат матбуот, Жисмоний тарбия ва спорт, Боқжона кўмиталари ҳамда бошқа идора ва ташкилотлар ҳам фаол журналистларга ўз совринларини берди. Байрам тантаналари сўнггида таниқли санъаткорлар иштирокида концерт бўлди, шахмат мусобақаси ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев, Президентнинг матбуот котиби А. Зиё қатнашди.

Шу кунин кечкурун «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида ҳам байрам сайиллари давом этди.

Б. УММАТОВ

ТЕАТР УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Янги талқин, янги услублар



Қарши шаҳрида Халқаро «Ипак йўли — театр саъҳати» лойиҳаси доирасидаги II-муаллифлик театрлари учрашувлари якунланди.

Оғтоб кўридан осмон лов-лов ёнган айни замирамизда ёз кунлари Марказий Осиё мамлакатлари театр арбоблари Қарши шаҳрида ўзаро дийдорлашди. Уларнинг шакли, мазмуни ҳамда моҳияти билан бу анжуманга пойдевор бўлган халқаро «Ипак йўли — театр саъҳати» деб номланувчи лойиҳанинг қанчалар барқарор ва умидбахш эканлиги яна бир қарра намойиш этилди.

Республикамизда иккинчи мартаба ўтказилаётган бу санъат анжумани Муллатўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадар вилотида муҳим драма театри биносидида тантанали равишда очилди. Унда сўзга чиққан Қашқадар вилоят ҳокимининг ўринбосари Раим Раҳмонов, Ўзбекистон Маданият ишлари вазири ўринбосари, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Муҳаммадали Абдуқудузов, германиялик машҳур театр арбоби Роберто Чули ва бошқалар бу театр учрашувларининг бугунги маданий-маънавий ҳаётимизда алоҳида аҳамият касб этажани таъкидладилар.

Ўзига хос бу халқаро театр байрами қатнашчилари орасида И. Охунбоев номидаги республика Еш томошабинлар театри, Муллатўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадар вилоят муҳим драма театри, республика Ешлар театри, Қаршидаги

(Давоми 2-бетда.)

Эпиуроп

Пойтахтимизга германиялик кинотанқидчи, Коттбус халқаро кинофестивалининг директори жаноб Роланд Руст ташириф буюрди. Шу муносабат билан Киночилар уйида матбуот конференцияси бўлди.

— Шу йилнинг ноябр ойида Германиянинг Коттбус шаҳрида ўтадиган халқаро кинофестивалида Фарбий Европа ва Марказий Осиёнинг ўттизга яқин мамлакатини киномаъдалари иштирок этишди, — дейди Роланд Руст. — Анжуман ишти-

ХАЛҚАРО КИНОАНЖУМАНГА ЙЎЛЛАНА

роқчиларининг аксарияти мустақилликка эришган мамлакатлардир. Бу давлатлар кино санъати янги тараққиёт босқичини бошдан кечиряпти. Ўзбек киноси ҳам бундан мустасно эмас. Фестивалининг совриндор филмлари бошқа нуфузли киноанжуманларга йўлланма олади, Германия телевидениесида намойиш этилади. Ўзбек филмларининг мавзу кўлами ниҳоятда кенг, жанрлар ранг-баранглиги ҳам мени ҳайратда қолдирди. Бу ерга келгунга

қадар ўзбек киноси ҳақида тасаввурга эга эмасдир. Фильмлари танлаш жараёнида кўп таассуротлар олдим. Режиссёр Юсуф Розиковнинг «Аёллар салтанати», Юсуф Азимовнинг «Тонг отунча», Исмоил Эргашевнинг «Тош санам», «Буюк Амир Темура», Зулфигар Мусоқовнинг «Бомба» ва «Кичкина табиб» филмлари Коттбус фестивали учун танлаб олинди.

Феруза НОДИРОВА

БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ

28 июн кунин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Болалар адабиёти кенгашининг навардаги йилги йиғилиши бўлди. Уюшма раиси Абдулла Орилов йиғилишини очиб, миллий ғоя ва мустақиллик мафкура-сини яратиб жараёни қизғин тус олган ҳозирги даврда сўз усталари, ёзувчилар, умуман, ижод аҳли зиммасидаги вазифалар, адибларимиз яратадиган янги асарларнинг бу жараёндаги ўрни ва аҳамиятига эътиборни қаратди. Хусусан, болалар адабиётида қалам тебратиб келадиган ижодкорларнинг баркамол ав-

лодини тарбиялашдаги бурч ва вазифалари масъулиятли эканлигини таъкидлади. — Кенгаш томонидан жойларда ёш авлод вакиллари билан кўплаб учрашувлар, ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, бадий сўз қадри, китоб ва китобхонлик мавзусидаги мулоқотлар ўтказиб келинаётган бўлса-да, эндиликда бу ишларни янада жонлантиришимиз керак, — деди Абдулла Орилов. — Айни пайтда бугун болаларимиз учун чоп этилаётган нашрлар саҳифаларида болалар адабиёти вакиллариномини эмас,

айниқса, машҳур адибларимизнинг тез-тез чиқишлари ҳам ниҳоятда зарурдир. Негаки, болалар адабиётининг тақдирини йирик сўз усталари учун ҳам асло бегона эмас. Болалар учун чоп этиладиган бадий ва дарслик китобларни яратиб жараёнда ҳам ёзувчиларимизнинг нашриётлар билан ҳамкорлиги ва фаоллигини кучайтириш талаб этилади. Дарҳақиқат, ҳомийлик йўли билан китоблар чоп этилаётганидан мамнун бўлишимиз керак. Бирок бир нарса — ҳомийлик маданиятини сақлашни, яъни саёз, юзакни китобларга

ЯНГИ АСР РАССОМЛАРИ

Бадий академия Кўргазмалар залида ёш рассомларнинг «Навқирон Ўзбекистон» деб номланган кўргазмаси очилди. Унда республикадаги рассомлик коллежи битирувчиларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазма очилишида Академия раиси таниқли рассом Акмал Икромов ва бошқалар

сўзга чиқиб, XXI аср ўзбек рассомчилиги ишончли қўлларда эканлигини таъкидладилар. Еш рассомлардан Темир Аюпов, Юлия Холматова, Тоҳир Файзуллоев, Дилмурод Аҳмедов асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ноҳир ТОҲИРОВА

Ёзувчилар уюшмасида

эмас, балки бадий жиҳатдан баркамол асарларнинг юзага чиқишига имконият туддириш мумкин. — Кенгаш раиси Сафар Барноев ва бошқа адиблар болалар нашрлари ва болалар учун чоп этилаётган китобларни улар қўлга етказиш, хусусан, болалар адибларининг вилотларга ижодий сафарларга чиқиши билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритиб, тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Болалар ёзувчиларининг китобларини чоп этириши иш-

ларини янада жонлантириш зарурлиги таъкидланди. — Йиғилишда ёш ижодкорларнинг аънавий Зоҳини ур-рашувларига тайёргарлик ҳамда уюшма аъзолари фаоллигини ошириш, шунингдек, асарлари айландириш китобхоналарга таниш бўлган истеъдодли ишларни уюшма аъзоларига қабул қилишга доир масалалар ҳам муҳимкама этилди. Ҳулом Мирзо, Фаҳриёр, Гулнор Шабодининг қизин, Рустам Мардинов, Искандар Раҳмон уюшма аъзоллигига қабул қилиндилар.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК – ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАЙДИГАН БИР ХАЛҚ

(Боши 1-бетда.)

Иймоним комилки, Тожикистонда руй берган қарама-қаршилиқ ва зиддиятларнинг келиб чиқишига аслида бу ердаги муаммолар сабаб бўлган эмас. Улар ташқаридан келтирилган эди. Чунки, тожиклардек қўйна тарихга эга бўлган, дунёга буюк инсонпарвар мутафаккирлари берган халқ уруш оловини ёқишга қодир эмас. Бундай халқ одамларнинг ваҳшийлашаётганига, бир-бирининг ёстигини қуритаётганига, минглаб бегуноҳ ватандошларининг ўз бошпанасидан маҳрум бўлишига, тинч ҳаётининг бузилишига бефарқ қараб туролмайди.

Менинг фикримча, бундай аянчи воқеаларнинг содир бўлиши, аввало, собиқ иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг унинг таркибига бўлган республикаларда бирмунча вақт давомида одамлар тушқунликка тушиб, ишонсизликка учраб, қандай яшашни, фарзандлари ва оилаларининг эртанги куни қандай бўлишини аниқ тасаввур қила олмаётганлиги билан боғлиқ.

Бундай мураккаб шароитда бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, одамларни тинчлантириб, халқни бирлаштириб, ягона тўғри йўлга бошлаш оладиган, жамиятда бошбошдоқликка, қонунбузарликнинг авж олиб кетишига йўл қўймайдиган миллат етакчисининг ўрни беқийёс аҳамият касб этади. Бундай пайтда ўзининг иззат-нафисидан бошқа нарса ни кўролмайдиган, фақат ҳокимиятга интилиш дарди билан ёнадиган, ўз манфаатини, гаразли мақсадларини халқ тақдиридан устун қўядиган турли сафсатабоз ва сохта дохилларни фож этиш гоят муҳимдир.

Мен Имомали Раҳмоновни улугмақом эъмоман. Лекин ҳақиқатни ҳолисона тан олиб айтиш керакки; Тожикистон ҳаётинида бугунги ижобий ўзгаришларга замин бўлган миллий ярашув жараёнларининг бошланиши айнан мана шу одамнинг сиёсат майдонига кириб келиши билан боғлиқ. Унинг тўғри йўлни топа олиши, турлича қараш ва эътиқодга эга бўлган кишиларни муромага келтириш олиш, бу борадаги сабр-тоқати ва иродаси жафоқаш тожик халқининг бугунги тинч ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Албатта, мен бу билан Тожикистондаги барча муаммолар ҳал этилди, демоқчи эмасман. Бунинг учун ҳали узок, машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Мана шу фикрга алоҳида эътибор беришингизни истар эдим.

Ишонманки, Тожикистон раҳбарияти ва жамоатчилиги мамлакатда қарор толиб бораётган тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўради. Энг муҳими, бугунги кунда иқтисодий тиклаш, унинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлашга қаратилган мақсад ҳамда вазифалар аниқ белгиланган дастур ишлаб чиқилмоқда. У Тожикистондаги барча сиёсий қўнлар ва ҳаракатларни бирлаштирадиган, мамлакатнинг барча ҳудудларини, айниқса чекка туманларни ривожлантиришни кўзда тутидиган умумий тараққиёт дастуридир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон халқи Тожикистонда бошланган тинчлик, барқарорлик, тикланиш ва ривожланиш сиёсатининг амалга оширилишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдордир.

Азиз биродарлар! Бизнинг халқимиз бошингизга қулфат тушган энг оғир қўнларда сизларнинг дардингизга шерик бўлиб яшадим. Тожикистон халқига биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ҳам айнан Ўзбекистон бўлганини тарих ҳеч қачон унутмайди.

Шуни эслар эканмиз, беихтиёр буюк Рўдакийнинг

**Ҳеч шоди нест андар ин жаҳон,
Бехтар аз дийдори руйи дўстон, —**

деган ўлмас сатрлари ёдимизга тушади. Шарқнинг улуг мутафаккири битган бу сатрларни изохлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак, деб ўйлайман. Фурсатдан фойдаланиб, буюк Камол Хўжадий айтган равоқ бир ҳақиқатни ҳам такрорлашни истардим:

**Роҳ паймуд баса дар талаби дўст,
Дўст дар хонаву мо гирди жаҳон гардидем.**

Яъни, шоир, эй Камол, дўст излаб, кўп йўлларни босиб ўтди, холбуки, дўст ўз уйимизда экан-у, биз уни излаб, беҳудага жаҳонни кезиб юрган эканмиз, демоқда. Чўқур маъноли бу сўзларни халқларимиз тақдирга боғлаб айтадиган бўлсак, Оллоҳ таолонинг ўзи бизларни азалдан дўсту биродар қилиб яратган. «**Эн қўшнинг — жон қўшнинг**» деган ҳикмат айнан мана шу яқинлиқни назарда тутиб айтилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Икки биродар халқ ўртасидаги дўстлик, иноқлик ҳақида гап кетар экан, буюк боболаримиз — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг бу борадаги ибратли фаолиятини алоҳида таъкидлашдан ўтмайлик. Чунки маслак-муддаоси бир бўлган бу зотларнинг ҳаёти биродар халқларимиз ўртасидаги боқий дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Алишер Навоий Абдурахмон Жомийни замонасининг энг комил сиймоси, яхшиларнинг яхисиси, ҳақиқат сари бошлаб борувчи устоз, ўз қалбининг қибласи деб улуглаганини барчамиз яхши биламиз.

**Ул сафо аҳли пок фаржоми,
Покфаржом пок фар Жомий,
Ул яқин сори дастгир манга,
Қиблаву устоду пир манга.**

Азиз дўстлар, бир ўйлаб кўралик, буюк ўзбек шоирининг мана шу тўрт қатор шеърда ишлатилган сўзларнинг неча фоизи ўзбекчаю неча фоизи тожикча? Қани, айтинг, икки халқ вақилига ҳам бирдек тушунарли бўлган бу сатрлар маданиятимизнинг муштарак илдиэлари нақадар тэрранлигидан яна бир бор далолат бермайдими?

Ўз навбатини, ҳазрат Жомий ҳам Алишер Навоийни буюк инсон, буюк дўст сифатида беҳад қадрлаб, унинг беназир истеъдодига тасаннолар айтганига тарих гувоҳ:

**Ба туркизабон нақше омад ажаб,
Ки жодудамонро бувад мўхри лаб.
Зи чарх офаринҳо бар он қилк бод,
Ки ин нақши матбўъ аз қилк зод.**

Яъни: **Туркий тилда доғи келди ажаб,
Ҳатто сеҳрларлар боғладилар лаб.
Бундай ёқимли нақш туширган қалам
Бошига офарин ёғдирсин олам.**

Бизнинг минг-минг йиллар давомида ёнма-ён, биргаликда кечирган ҳаётимиз халқларимизни, уларнинг урф-одатлари, тили, маданиятини шу қадар яқинлаштириб юборгани, ҳақиқатан ҳам, **Ўзбек билан тожик икки тилда сўзлайдиган бир халқдир**, дейишга ҳамма асосларимиз бор.

Атоқли ўзбек шоири Фахур Ғулум бу ҳақда шундай ёзган эди:

**Яқин куда-қудагай, қадим-қадимдан буён,
Бирининг ўғли — тожик, келини — ўзбек қизи.
Отаси — фарғоналик, онаси — аз Бадахшон,
Она тилиси — тожик, аммо ўзбекдир ўзи.**

Бу фикр тожик халқининг машҳур шоири Боқи Раҳимзода мисрларидида шундай жаранглайди:

**Фарқи ҳама мардумони дигар осон,
Аммо ману ту шуда чунон ҳам наздик.
Бинанда чунин суол орад ба мийён,
Эй, жўра, биғў, ту ўзбеки ё тожик.**

Яъни: бошқа одамлар ўртасидаги фарқи ажратили осон, лекин сен билан мен — ўзбек билан тожик шўнчалар бир-биримизга яқинимизки, кўрган киши: «**Эй жўра, сен ўзбекмисан ёки тожикмисан?**» деб сўрайди.

Нафақат ўзбек халқининг, балки тожик халқининг ҳам севишли шоирига айланиб кетган Абдулла Орипов эса,

**Дўсту қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан,
Иккиси бир байт газалдан ўзбегим тожик билан, —**

деб бутун халқимиз дилидаги эзгу туйғуларни ифода этади.

Кўриб турганингиздек, ушбу мисоллар доғимизда аж-доғларимизнинг бизни бир-биримиздан асло ажратиб бўлмадлиги ҳақидаги фикрларига гоят ҳамоҳангдир. Демоқчиманки, Яратганининг ўзи бизга яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам доимо бирга бўлишдек ибратли тақдирни равоқ кўрган.

Хурматли дўстлар!

Кези келганда яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Биз маданият, адабиёт ва санъатнинг янги жамиятни барпо этиш ва уни тараққий эттириш борасида бугунги кунда тутадиган ўрни ҳамда аҳамиятига ҳамма вақт ҳам етарлича баҳо бераётганимиз йўқ.

Мен бу ўринда маънавий ҳаёт ва маънавий қадриятларнинг беқийёс аҳамияти ҳақида тўхталмоқчиман.

Ғоҳида, бугунги гоётда мураккаб даврда инсон учун моддий бойлик муҳими ёки маънавий бойлик муҳими, деган баҳс-мунозаралар туғилиб қолади.

Мен масалани бу тарзда қўйиш ҳамда муҳокама қилиш

ўринсиз ва бефойда, деб ўйлайман. Чунки, ишончим комилки, маънавий, маданий бойликларни қадрламайдиган инсон ва жамият маънавий таназзулга маҳкумдир. Бундай халқнинг ва жамиятнинг келажаги йўқ. Мен тараққийга нисбатан доим мана бундай ўхшатишни қўлашни ўринли деб ҳисоблайман: моддий ва маънавий бойлик — юксак парвозга шайланган қўшнинг қўш қанотидир. Табиийки, битта қанот билан парвоз қилиб бўлмайди.

Тўғри, бугунги кунда айрим қийинчиликларни бошдан кечираймиз. Маданият, санъат, таълим-тарбия каби ҳаётий зарур соҳалар эҳтиёжини қондириш, уларнинг ривожини таъминлаш учун баъзан маблағ топилаётган қоялти. Бироқ, биз, ўзбекистонликлар, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, маданиятни ривожлантириш, таълим-тарбияни юксалтириш, санъатни раванк топтириш учун зарур маблағ топиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ўйлайманки, Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилаётганидан хабарингиз бўлса керак.

Мен айниқса таълим ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз янги ҳаёт, демократик тамоийиларга, бозор иқтисодиётига асосланган мутлақо янги тузумни барпо этмоқдамиз, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиряймиз.

Умр кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, афсуски, биз буни сочинмига оқ оралаб, ортда қолган йиллар энди сира қайтиб келмаслигини ҳис эта бошлагандан сўнггина тушуниб етамиз.

Келинг, биргаликда ўйлаб кўрайлик, 1991 йилда туғилган болалар бугун ўн ёшга тўлиб, аллақачон мактабда ўқимокда, 1991 йилда биринчи синфга борган болалар эса мактабни тамомлаш, янги, мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турибди.

Биз учун уларнинг ана шу ҳаётга нафақат билимли, балки ҳар томонлама мустақил фикрга эга бўлган муносиб инсонлар бўлиб кириб келиши ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода, ёшларга қандай тарбия берилмоқда, мактаблар ва олий ўқув юртиларида қандай дарсликлар ва китоблардан фойдаланилмоқда, деган масалалар бугунги кунда беқийёс аҳамият касб этади. Уларни доимо диққат-эътиборимизда тулмоғимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бизда ҳозирги кунда одамларнинг дилдан чўқур жой олиб, эзгу мақсадга айланиб кетган «**Фарзандларимиз биздан кўра қучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт**» деган тамоийил бор.

Бу вазифани амалга ошириш нафақат давлат раҳбарининг, балки барча ота-оналарнинг, бутун жамоатчилиқнинг муқаддас бурчидир.

Ишончим комилки, XXI асрда қайси миллат қучли интеллектуал салоҳият ва бойликка эга бўлса, уша миллатгина фаровон ҳаётга эриша олади. Дунёдаги энг самарали ва ишончли сармоа — бу таълим-тарбия тизимига сарфланган маблағдир, дейилиши бежиз эмас. Бундай эзгу мақсад йўлида, келажакни кўзлаб қилинган иш сарф-харажатларни қоплаганина қолмай, миллатнинг илм-зиё салоҳиятини юксалтиришда мисли қўрилмаган ижобий натижаларга, бир сўз билан айтганда, илм-фан соҳасида юксак кўтарилиш — «портлаш» эффектига олиб келади.

Шу сабабли Ўзбекистонда 2005 йилгача мўлжалланган Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш жараёни жадал сурятлар билан давом этмоқда. Дастурга кўра, мана шу вақт ичиде ёшларга замонавий стандартлар асосида таълим берадиган 1800 га яқин академик лицей ва касб-хўнар коллежи қуриб битказилади, кўплаб мактаблар ва олий ўқув юртилари қайта таъмирланади.

Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг энг қўйи босқичи — болалар боғчасидан бошлаб, халқаро андозларга мувофиқ бакалавр ва магистрлар тайёрлашгача бўлган жараёни ўз ичига олган улзқисиз таълим тизими жорий этилган.

Биз ўн бир йиллик таълим-тарбия тизимини давом келиб, ўн икки йиллик таълим тизимига ўтгандим. У икки босқичдан иборат. Биринчи босқич тўққиз йиллик умумий таълимни қамраб олади. Иккинчи босқичда эса фарзандларимиз ўзининг билим даражаси, интилиш ва қўбилиятга қараб, академик лицей ва касб-хўнар коллежларида муайян ихтисослар бўйича уч йил билим олади.

Мамлакатимизда ташкил этилган «Умид» ва «Устоз» жамғармалари грантларига кўра олий ўқув юртиларида ўқиётган юзлаб талаба ва битирувчилар, педагог-олимлар АКШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония каби дунёнинг илгор мамлакатларида тахсил олмақда.

Биз тожик биродарларимизни бу соҳадаги ўз тажрибамиз билан таништиришга, агарда сизларда қизиқиш уйғотса, бундай дастурни Тожикистонда ҳам амалга оширишда ёрдам беришга тайёрмиз.

Азиз биродарлар! Ижозатингиз билан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсам.

Биз Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан кеча бўлиб ўтган учрашувимизда бу масалаларни, айтиш мумкинки, ҳар томонлама чўқур муҳокама қилдик. Биз Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этётган биродарқушлиқ урушининг мамлакатларимизга, бутун минтақамизга салбий таъсири ва таҳдиди тўғрисида атрофлича фикрлашиб олдик.

Токи афғон муаммоси ҳал этилмас экан, минтақамизда кескин вазият кўчаиб бораверади, бу эса мамлакатларимиз тараққийга тўқинлик қиладиган катта хавф-хатардир. Афғонистон ҳозирги кунда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариладиган улкан ҳудудга, халқаро террорчилик ўчоғига айланиб қолди. Бу борадаги кўпроқувчилик ҳаракатлари Марказий Осиё минтақасидан ташқарига ҳам ёйилиб бормоқда.

Афғонистонда кураш олиб бораётган қарама-қарши томонлар ўртасидаги зиддиятнинг кўчаишида ўзларининг геополитик манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган айрим давлатларнинг таъсири сезилиб турибди.

Музокаралар Ўзбек-тожик муносабатларини янги босқичга кўтариш борасида ҳар икки томонда ҳам қатъий интилиш мавжудлигини кўрсатди. Мен бу ўринда халқларимизни янада яқинлаштиришга қаратилган Абдий дўстлик шартномасининг имзоланганини алоҳида қайд этишни истардим.

Қадрли дўстлар! Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, менинг назаримда, бугун биз сизлар билан бир қатор муҳим масалаларни ҳал этишга эътибор қаратишимиз лозим:

Биринчидан, икки томонлама ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларни халқаро андозлар ва меъёрларга мувофиқ ҳолга келтириш.

Иккинчидан, давлатларимизнинг ҳўжхалик юритувчи субъектлари ўртасидаги илгари, маълум вақт узилиб қолган алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш. Яъни қорхоналаримиз ўртасидаги самарали ва оқилона кооперация муносабатларини қайтадан йўлга қўйиш.

Бу вазифани амалга ошириш учун, назаримда, Тожикистон ўз иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиши гоят муҳимдир. Айтмоқчиманки, Тожикистон ўз иқтисодий сиёсатини амалга оширишда айнан қайси тармоқларни, қандай ишлаб чиқариш соҳаларини тез сурьатлар билан ривожлантиришга эътибор беради? Шуни аниқ белгилаб олишимиз керак. Агар мана шундай дастур ишлаб чиқилса, уни рўёбга чиқаришда биз ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз.

Учинчидан, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан бирга, маданий-маърифий алоқаларни йўлга қўйиш ва кенгайтириш. Халқларимиз тарихидаги янги мустақил ривожланиш жараёнида мамлакатларимиз ҳаётида кўп ўзгаришлар рўй берди. Бу борадаги тажриба ва ютуқлар ҳақида ахборот алмашуви ҳам халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шу муносабат билан Тожикистон Республикасига Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дастурларини уза-тиш, шунингдек, Ўзбекистонда ўзбек, тожик ва рус тилларида нашр этилаётган босма махсусотларни эркин тарқатишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ва аксинча, бизнинг мамлакатимизда ҳам Тожикистон телевидениеси дастурлари, газета ва журналлари, ахборот материалларининг эркин тарқатилишига эришиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Тожикистондаги ўзбек мактаблари ёрдам беришга алоҳида эътибор билан қарамокда. Шу мақсадда бу мактабларга зарур дарсликлар, ўқув-уқубий қўлланмалар юборилмоқда. Шунингдек, тожик-ўзбеки ўқитувчилар мамлакатимизнинг етакчи ўқув марказларида малака оширимоқда.

Ишончим комилки, нафақат юқорида зикр этилган масалаларни, балки кундалик ҳаёт олдимиизга қўяётган бошқа турли муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бориш икки томонлама ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтарди, дўстлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Сўзимнинг ниҳоясида, азиз дўстларим, биродарларим, ўзбек халқи номидан сизларнинг барчангизга, бутун қонқардош тожик халқига фаровонлик ва бахт-саодат тилайман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги абадий дўстлик ва ҳамкорлик эса ана шу эзгу интилишларимизнинг, орзу-умидларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолсин.

Эътиборингиз учун раҳмат.

(Боши 1-бетда.)

«Мулоқот» ва «Эски мачит» театр-студияларидан ташқари Қозоғистон Давлат ёшлар ва болалар театри, Шайх Камол Хўжадий номидидаги Хўжанд мусиқали драма ва комедия театри, Қирғизистондаги «Тўнғуч» театри ижодий жамоаларининг ҳамда Германиядаги «Театр ан дер рур» театри иштирок этди.

Театр учрашувлари мезбонлар — Муллаўйчи Тошмухамедов номидидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг Х. Хурсандов асари асосида «Бир ўйлаб кўрай-чи» номли мусиқали фарси билан бошланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Равшанов санъатлаштирган бу спектакл оила, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, меҳр-оқибат, қадр-қиммат каби ахлоқий масалаларга бағишланган.

Ортимизда ва хорижий мамлакатларда доврақ қозониб бораётган «Мулоқот» театр-студияси ўзининг «Гуля + Эдик» спектакли билан меҳмонлару оддий томошабинларнинг ҳам қалбини ларзага солди. Атоқли қирғиз драматурги Мар Бойжиев пьесаси асосида режиссёр А. Абдуназаров томонидан қўйилган бу спектакл ординувал режиссураси, ижро услуби, ўзига хос сахна безаклари, асар воқеаларига монанд мусиқалари билан фестивал қатнашчилари олқишига сазовор бўлди.

Шундан кейин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдурахмонов раҳбарлигидаги Ёшлар театрининг Л. Толстой асари асосидаги «Холстомер» («Бир от қиссаси») спектакли барчани янада қаттиқроқ ҳайқонга солди. Бунисини энди бугунги ўзбек театр санъатининг яна бир катта ютуғи, десак хато бўлмас. Зеро, бу машҳур асар асосидаги спектакл анъанави мураккаб ва «хазми оғирроқ» туюлса-да, ўзининг чўқур драматизми, нозик психологик ҳолатлари, энг асосийси, Толстойга хос фалсафий гоёсию ечимини билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Навбатдаги томоша — Й. Охунбоев номидидаги республика Ёш томошабинлар театрининг «Учар табиб» спектакли кўпчилик томошабинларга озми-кўпми таниш.

Француз адиби Ж. Мольер асари асосида драматург Ш. Бошбоек томонидан «Ўзбекана» талқин этилган бу кўвонк томоша театрининг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов раҳбарлигидаги ижодий жамоа катта имониятларга эга эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Назаримда, Қаршидаги фестивал бир хил

ТЕАТР УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Роберто ЧУЛИ, («ТЕАТР АН ДЕР РУР» театрининг бадий раҳбари, актёр ва режиссёр);

Кўндан бери юртингизга мафтўнман.

Бунинг яна бир бошқа сабаби ҳам бор. Менда бу қадимий ўлқанинг театр санъати, айниқса, «Мулоқот», «Эски мачит» каби ижодий жамоаларнинг ёш санъаткорлари катта қизиқиш ва умид уйғотади.

Бу йилги фестивал ҳам ана шу умиддан оқибат бораётганидан дарак берди.

